

Эллиққалъа туман Тиббиёт бирлашмасига 2022 йил январ ойи озиқ-овкат махсулотларини харид қилиш бўйича талабгор пудратчи ташкилотлар танловини ўтказиш бўйича танлов комиссияси йиғилишининг 9/4 сонли

БАЁННОМАСИ

Бўстон шаҳри

2022 йил 25 «Январ»

Комиссия раиси: Х. Атаниязов - Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

Комиссия аъзолари: Б. Аннаев - Бош врач ўринбосари

Б. Якубов - Бош хисобчи

Ф. Айитов - Озиқ-овкат омбори мудир

КУН ТАРТИБИ:

Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил бюджет маблағларидан ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тиббиёт бирлашмасига 2022 йил январ ойи озиқ-овкат махсулотларини харид қилиш зарурлиги айтиб ўтилди Ушбу 2022 йил январ ойи озиқ-овкат махсулотларини харид қилиш бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилар «Ипак Йули» МЧЖ ва «UMIRBEK SAPAROV» DX ҳамда «AKSHAKUL DIYOR» МЧЖ ларнинг такдим қилинган тижорат таклифларини кўриб чиқилади. Эллиққалъа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи сўзга чиқиб нархлари ва озиқ-овкат махсулотларини етказиб бериш «Ипак Йули» МЧЖ нинг таклифи маъқул келишини айтиб ўтди.

Унга кўра қуйдаги Товар (иш хизмат) ва махсулотлар етказиб берувчилардан қуйдагича таклифлар тушди:

№	Товар иш хизматлар номи	Лот номери санаси ва бошланғич суммаси	Мик Дори	«Ипак Йули» МЧЖ	«UMIRBEK SAPAROV» DX	«AKSHAKUL DIYOR» МЧЖ
Ташкилот манзили:				Эллиққалъа тумани Бустон ш	Эллиққалъа тумани	Эллиққалъа тумани Акчакул ОФЙ
Ташкилот СТИРИ				203054732	302407749	308635342
1	Эллиққалъа туман Тиббиёт бирлашмаси		1	17 710 000	18 600 000	19 490 000
2	муддати			2 кун	3 кун	3 кун
ЖАМИ:				17 710 000	18 600 000	19 490 000
Алохида шартлар				Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади.		

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Юқоридаги таклифлар билан танишиб чиқиб, музокарага туман Тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси Б. Якубов, туман Тиббиёт бирлашмаси даволаш ишлари бўйича Раҳбар муовини Б.Аннаев сўзга чиқиб, юқоридаги талабгор ташкилотлар ичидан «Ипак Йули» МЧЖ нинг таклифи 2022 йил январ ойи озиқ-овкат маҳсулотларини етказиб бериш таклифи маъқул келишини айтиб ўтдилар.

Кун тартибидаги масала бўйича билдирилган таклиф-мулоҳазалардан келиб чиқиб, танлов комиссияси томонидан

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Эллиққалъа туман Тиббиёт бирлашмасига 2022 йил январ ойи озиқ-овкат маҳсулотларини харид қилиш **17 710 000** (Ун етти миллион етти юз ун минг) сўмга, 2 кун муддатда «Ипак Йули» МЧЖ томонидан 2022 йил январ ойи озиқ-овкат маҳсулотларини етказиб беришига берган таклифи қабул қилинсин ва талабгор ташкилотлар танлови ғолиби деб топилсин.

2. Тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси Б. Якубовга «Ипак Йули» МЧЖ нинг вакилини икки томонлама шартномаси тузишга таклиф қилсин.


Комиссия раиси:

 Х. Атаниязов

Комиссия аъзолари:

 Б. Аннаев

 Б. Якубов

 Ф. Айтов

№	Талабгорнинг номи	Талабгорнинг манзили	Талабгорнинг алоқа рақами	Талабгорнинг ҳужжатлари	Талабгорнинг баҳолаш натижаси
1	«Ипак Йули» МЧЖ	Туман	17 710 000	17 710 000	17 710 000
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					

ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 2

Бўстон шаҳри

8-январ 2022йил

Бундан буён "Буюртмачи" деб аталувчи "Элликқалъа тумани тиббиёт бирлашмаси" номидан устав асосида фаолият юритувчи Х. Атаниязов бир томондан ва бундан буён "Етказиб берувчи" деб аталувчи "Ипак Йули" МЧЖ номидан устав асосида фаолият юритувчи К. Юлдашев иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Ушбу шартномага асосан буюртмачи махсулотни қабул қилади ва тўлайди, етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Баҳоси	ККС суммаси	Умумий суммаси
1	Товук гушти	кг	40	26 000		1 040 000
2	Сут пастеризацияланган 3,2%	л	200	8 500		1 700 000
3	Манная ёрмаси	кг	23	8 500		195 500
4	Печение	кг	47	16 500		775 500
5	Макарон	кг	30	6 500		195 000
6	Усимлик ёғи	литр	60	18 000		1 080 000
7	Мол гушти	кг	178	55 000		9 790 000
8	Ош тузи	кг	28	1 000		28 000
9	Шакар	кг	30	8 000		240 000
10	Сариёғ	кг	30	48 000		1 440 000
11	Творог	кг	29	17 000		493 000
	ЖАМИ					16 977 000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 16 977 000 (Ун олти миллион туккиз юз етмиш етти минг) сўм.

1.3. Шундан ККС суммаси 0 сўм.

2. Етказиб бериш ва ҳисоб-китоб шартлари.

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни махсулотларни олгандан сўнг 30 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.4

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари етказиб берувчининг тегишли ҳисоб-варағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар куни ичида махсулотларни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ махсулотларни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" махсулотларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган махсулотларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманномада) кўзда тутилган бошқа талабларига мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, махсулотларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар "Етказиб берувчи" ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. "Буюртмачи"нинг розилигига кўра махсулотлар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган махсулот бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган махсулотларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган махсулотларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Буюртмачи" ҳисобидан махсулотларташиб келтирилганда, "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

"Етказиб берувчи"дан жойлаштирилган буюртманномага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат ассортиментини бўйича махсулотларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз махсулот етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш махсулот билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартараф этиш;

- "Етказиб берувчи" дан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги

натijasида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларни қабул қилиш;

- махсулотларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. “Етказиб берувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачи”дан олдиндан тўлов ва етказиб берилган махсулотлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- “Буюртмачи”дан жойлаштирилган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган махсулотларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. “Етказиб берувчи”нинг мажбуриятлари:

- “Буюртмачи”га махсулотларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар махсулотларни етказиб бериш жараёнида “Етказиб берувчи” шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда “Буюртмачи”нинг талаб бўйича ___-кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартномада белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари, талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. “Буюртмачи:

- Махсулотларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда махсулотларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи етказиб берувчига танла олинмаган (ўз муддатида олинмаган) махсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган махсулотлар бўйича эса 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Махсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришда ташқари ушбу махсулотлар мавжудлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) махсулотлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб китобнинг бошқа шаклларида махсулотлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномаси тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган махсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. “Етказиб берувчи”:

- Агар етказиб берилган махсулотлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар ва намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи махсулотларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчида сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундири олишга, агар махсулотлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар етказиб берганлик учун жарим етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.4. Махсулотларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, махсулотлар етказиб берувчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорид пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни махсулотларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатид етказилган зарари қоплашдан озод этмайди.

4.5. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган махсулотларни, шунингдек идиш ва ёралмаган махсулотларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ёралмаган махсулотларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи буюртмачига бундай махсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Махсулотлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда буюртмачи жарим ундиришдан ташқари, ўз қучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан махсулотларни ўрашга, идишларга жойлашга ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан махсулотларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. Низоларни хал этиш тартиби

5.1. Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни хал этиш учун бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, сул иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Форс-мажор

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажармаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод қилади.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиий ҳодисалари (зидзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (урушҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол икинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. Бошқа шартлар

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил “31” декабаригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммасига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Етказибберувчи»

«Буюртмачи»

“Ипак Йули” МЧЖ

“Эликқалъа тумани тиббиёт бирлашмаси”

Манзил: Бўстон шаҳри
Тел./факс: 94-452-28-57
х/в: 2021 0000 2040 2035 5001
Банк номи: ТИФ “Миллий банк” Турткул ф-л
МФО: 00846 СТИР: 203054732
ОКОНХ: 71150

Манзил: Эликқалъа тумани Бўстон шаҳри
Тел./факс: 61 5851350
ш/х: 100022860352507073102054001
Бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 200914296
ОКОНХ: 91511
Ғазначилик бўлинмаси номи: Эликқалъа тумани
Ғазначилик бўлинмаси
Ғазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент
МФО: 00014 ғазн-дик бўл-си СТИР 201122919
Раҳбар: Х. Атаниязов

Раҳбар: К. Юлдашев

М.ў.



Ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29-август кунги қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларнинг талабларига мос равишда тузатишлар тузилган.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Xo‘jalik shartnoma

“Ipak yo‘li” ma’suliyati cheklangan jamiyati va tuman Tibbiyot birlashmasi o‘rtasidagi 2022 yil 28 yanvar kungi 16 977 000 (O‘n olti million to‘qqiz yuz yetmish yetti ming) so‘mni tashqil qiladigan № 2 sonli oldi sotdi shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Ellikqal’a tumani Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 28 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 28 yanvar kuni dasturga kiritilgan.

4. Loyiha bo‘yicha taklif va (yoki) e’tirozlar:

Loyiha amaldagi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-436 moddalari hamda 1998 yil 29 avgust kungi 670-II- son “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonuni hujjatlarida.

Xo‘jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo‘jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo‘lmagan miqdorda oldindan to‘lab qo‘yish albatta nazarda tutilgan bo‘lishi kerak.

Xo‘jalik shartnomasini tuzishda taraflar tegishli turdagi shartnomalar uchun ishlab chiqilgan hamda huquqiy ekspertizadan belgilangan tartibda o‘tkazilganidan so‘ng e‘lon qilingan o‘zlarining namunaviy yoki tipovoy shartlariga (shakllariga) amal qilishlari mumkin.

Loyixa qonun xujjatlarida ko‘rsatilgan talablarga muvofiq ishlab chikilgan qabul qilish maqsadga muvofik.

Markaz bosh yuriskonsult:



S.Nurmaxashev